



## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРУВИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ганиев Эркин

Жиззах давлат педагогикауниверситети профессори.

Эргашев Улугбек Эркинович

Жиззах давлат педагогикауниверситети катта ўқитувчиси.

**Аннотация:** Таълим тизими унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир.

**Калит сўзлар:** Таълим, моделлаштириш, тарбия, технология, оптималаштириш, талаб, таклиф, таълим тизими.

### МЕХАНИЗМЫ МОДЕЛИРОВАНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА УЧРЕЖДЕНИЙ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ.

Ганиев Эркин.

Профессор Джизакского государственного педагогического университета.

Эргашев Улугбек Эркинович.

Старший преподаватель Джизакского государственного педагогического университета.


**Аннотация:** Система обучения связана с ее последовательным существованием.

**Ключевые слова:** В системе образования моделирование, воспитание, технология, оптимизация, спрос, предложение, образование.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришни оптималлаштириш масаласи сифатида қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз узлуксиз таълим муассасаларини оптимал жойлаштириш иқтисодий, жуғрофий, этнографик, ижтимоий, сиёсий ҳолатларига мос кўрсаткичларга ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Мамлакатимиз агарар мамлакат бўлганлиги туфайли ҳам худудларимизнинг жойлашувини асосан қишлоқлар ташкил қиласди. Бу эса қишлоқ инфраструктурсини ўзгартириш, қишлоққа саноатни олиб кириш асосида ундаги таълим муассасаларининг жойлашуви, талаб қилинадиган ихтисосликка мос ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашуви, аҳолининг ўсиш динамикаси, қишлоқларнинг жойлашуви масаласининг аниқ ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Масалани ечиш давомидаги биринчи ишлаб чиқариш дастурини таҳлил қиласиз.





Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобга олинади.

Келажагимиз бўлган ёш авлодни касб-хунарга ўргатишга йўналтирилган ихтисослашган касб-хунар техникумларини кўриш, умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш варианtlари ва ишлаётган эски таълим муассасалари биноларини таъмирлаш худудий узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришдаги энг муҳим масаладир.

Келтирилаётган моделда қурилаётган ва таъмирлаш ишларига мос таълим муассасаларининг лойиҳавий ечимлари характеристикидир.

Белгилашлар киритайлик:

К –туманлар;

к –таълим муассасалари;

$P_k$  - $K$ - тумандаги таъмирлашга муҳтож таълим муассаслари тўплами;

р –таъмирлаш варианtlари индекси;

$L_k$  – $K$ -худуддаги янги таълим муассасаларини барпо қилиш варианtlари тўплами;

Умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш варианtlари.

$X_{rk}, X_{ek}$  –мос равища жадаллик билан касб-хунар коллежлари ва техникумларини таъмирлаш ва янгиларини қуриш варианtlари( $i=1,2,3,\dots,m$ ).

$A_{rk}^i, A_{ek}^i$  -Ушбу технологик усул билан чиқариладиган харажат коефициентлари.

У ёки бу варианtdаги ечимни киритиш орқали қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

$$\sum_{r=1}^{ek} X_{rk} = 1 \quad (k \in K)$$


$$\sum_{e=1}^{rk} X_{ek} \leq 1 \quad (k \in K)$$

$$X_{rk} = \begin{cases} 0 \\ 1 \end{cases}, \quad X_{ek} = \begin{cases} 0 \\ 1 \end{cases}, \quad e \in L_k, \quad r \in R_k, \quad k \in K$$

Бошқа томондан қараганда, танланган варианtlар таълим муассасалари тизимини ривожлантиришга қаратилиши керак.

$$\sum_{r=1}^{R_k} A_{rk} X_{rk} + \sum_{e=1}^{L_e} A_{ek} X_{ek} = \sum_{k=1}^K X_{kk'} \quad (k \in K, j \in J_l^k)$$

Бунда,  $J_l^k$  -ўқувчилар групхлари тўплами бўлиб,  $K$ -туманга вилоятдаги бошқа худуддан келиб ўқиётган ўқувчилар ;  $A_{rk}, A_{ek}$  - $K$ - худуддаги ихтисослашган ўқувчиларнинг кириш коефициентини бўлиб, р-турдаги таъмирланган варианtdаги ёки е-турдаги янги барпо қилиш варианtdаги касб-хунар коллежлари ва техникумлариdir.





$X_{kk'}$ - ўқувчилар сони бўлиб, улар К худудга  $K_1$ - худуддан келиб ўқиётган ихтисослашган, и-гуруҳдаги ўқувчилар сони.

$$\sum_{r=1}^{R_k} A_{rk} X_{rk} + \sum_{e=1}^{L_k} A_{ek} X_{ek} = \sum_{k=1}^K X_{kk}$$

$A_{rk}, A_{ek}$  -худуддаги и-ихтисослик гуруҳларига бўлган талабларни ривожлантириш варианти.

$X_{kk}$  - ихтисослашган гуруҳ ўқувчиларини, К-худуддан  $K_1$ -худудга олиб келиб ўқитиш.

Чунки янги Ўзбекистонда замонавий таълими тизимини ихтисослик нуқтаи назаридан ривожлантиришни қарайдиган бўлсақ, худудларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан: айрим худудлар асосан лалми дон экинлари ва чорвачиликка ихтисослашган бўлса, айримлари чорвачилик ва боғдорчиликка йўналтирилгандир, баъзиларида асосий ишлаб чиқарадиган маҳсулот пахта ҳамда ғалладан иборат бўлиб, таълим муассасаларини замонавий ҳолда худудларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатига мос жойлаштиришни талаб қиласди.

Ўзгарувчилар киритамиз:

қ- таълим муассасаларида ўқитишнинг янги педагогик усул индекси.

$K_k$ -худуддаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитишнинг янги педагогик усул тўплами.

$X_{kk'}$ -к- худуддаги умумий ўрта таълим муассасаларида қ-ўқитишга янги педагогик усул татбиқининг самарадорлигини ошириш йўллари ( $i=1,2,3,\dots,n$ ).

А<sub>kk'</sub>- худуддаги таълим муассасаларида ўқитишга қ- янги педагогик усулини татбиқ этишда сарфланган харажатлар.

Худуддаги ҳар бир таълим муассасага ўқитишнинг янги педагогик усулини киритиши ташкил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- худудда умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун ҳозирги таълим муассасаларини ўрганиш керак;


-таълим муассасаси қуввати ва ўқувчилар сонини аниқлаш лозим;

-таълим муассасаси жойлашган аҳоли пунктлари жойлашув тузилмаси ва сонини аниқлаш керак;

-таълим муассасаларида ўқиб чиқсан мутахассисларни иш билан таъминловчи ишлаб чиқариш корхоналари ва уларни ривожлантириш манбаи ўрганилиши керак;

-худудни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришдан келиб чиқсан ҳолда, таълим муассасаларини тўлдириш учун,  $X_{pk}, X_{ek}$  вариантларда бошқа худудлардан ўқувчиларни жалб қилиш зарур;

-худудларнинг географик, этнографик, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатига қараб, худуддаги таълим муассасаларини йил давомида ишга тушириш режаси ўрганилади. Жумладан:





-ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилади;

-бу масалалар ҳудуд бўйича бир чегара асосида тартибга солинади;

-умумий ўрта таълим муассасаларини тутатган ёшлар талабларини ўрганган ҳолда, олий таълимни методлаштиришда, мактаб, академик лицейлар ва умумий ўрта таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро алоқалар ўрганиб чиқилади.

Масалада мураккаб ўзаро алоқалар мавжуд бўлса, ечим аниқ бўлиб, моделда бошланғич фиктив ўзгарувчилар олиниб, масалада ечимга яқинлашиш қўйидагича олиб борилади.

Дастлаб масала (3) шартларсиз чизиқли ечилади.

Натижада X режа қўйидагича аниқланади:

$$\sum_{k=1}^K \left( \sum_{r=1}^{R_k} A_{rk} X_{rk} + \sum_{e=1}^{L_k} A_{ek} X_{ek} \right) = A^0$$

Масалани ечишда кейинги қадам бутун сонли масала сифатида қаралиб, таълим муассасаларини таъмирлаш ва янги қурилишдаги варианtlарни ҳисобга олиб, ҳудудда таълим тизимини ривожлантириш шартлари асосида таълим муассасаларини оптимал жойлаштириш масаласида бошқа кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олиш керак (бунда бошланғич ахборот, келгусида мўлжалга олинган натижа).

Масаланинг қўйилиши икки ҳолда ечилади.

Қўшимча шартлар киритамиз.

$$1. \quad \sum_{k \in K} \left( \sum_{L \in R_k} A_{rk} X_{rk} + \sum_{e \in L_k} A_{ek} X_{ek} \right) > A^0$$


$$\sum_{k \in K} \left( \sum_{L \in R_k} A_{rk} X_{rk} + \sum_{e \in L_k} A_{ek} X_{ek} \right) \Rightarrow \min$$

$$2. \quad \sum_{k \in K} \left( \sum_{L \in R_k} A_{rk} X_{rk} - \sum_{e \in L_k} A_{ek} X_{ek} \right) \leq A^0$$

$$\sum_{k \in K} \left( \sum_{L \in R_k} A_{rk} X_{rk} + \sum_{e \in L_k} A_{ek} X_{ek} \right) \Rightarrow \max$$

Бунда X режа олинади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий узлуксиз таълимни ривожлантиришда иқтисодий математик моделлардан фойдаланиш масаласининг аниқ ечимини топишда муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб, ҳудудни ижтимоий ривожлантиришда жуда мос ҳолда таълим муассасаларини оқилона жойлаштиришда жуда катта миқдордаги иқтисодий тежамкорликни қўрсатади.





## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Фаниев Э. (2012). Вилоят Педагогика фанлари умумталим мактаблари тармоғини Оптимал жойлаштириш(комплекс 3).
2. Фаниев Э. (2018) Ўзбекистон Республикаси касб таълими ҳудудий тизимини математик моделлаштириш. Абусаге З журнал.
3. Фаниев Э. (2019) мактабгача таълим муассасаларини шакллантириш ва уларни моделлаштириш механизмлари. Назарий ва амалий фанлар журнали. УЗ. УЗ
4. Фаниев Э. (2019) касбий таълим тизими томонидан бошқарув жараёнини такомиллаштириш истиқболлари. Коллоквиум-журнал, 3 (27).
5. Фаниев Э. ва Аблакимова Р. (2019) ўқув тайёргарлигини мустаҳкамлаш бўйича моделлаштириш тизимлари 57. Феврал 1-2ст 2019. Г. Й. Плехановдан кейин РЕВ Москва.
6. Фаниев Э. (2019 йил 25-26 феврал) Ўзбекистон Республикаси математик таълим. "Европа таълими ва технологиялари" халқаро сиртқи илмий журнали
7. Жўраев Р. ва Фаниев Э. (2012) ҳудудий ва касб-хунар таълими муассасасининг математик моделлаштириш, тураг жойлари ва камолоти. Илғор илмий очик журнал. Москва.
8. Фаниев Э. (2004) замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. Қўлланма. - "Фан ва технологиялар" (с.58) Тошкент.
9. Фаниев Э. (2004) узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш давлат дастурини амалга оширишда иқтисодий – математик усуслардан фойдаланиш йўллари.
10. Мучамедов Г. И. ва Фаниев Э. (2004) минтақавий ва касбий таълим муассасаларини математик моделлаштириш, тураг жой ва мукаммаллаштириш кўп босқичли тизим асосларида. Корея: Еунгнам Университети Даего.

